

The background features a complex, abstract design. It includes several overlapping circular patterns, some resembling gears or orbits. A prominent feature is a cluster of blue squares arranged in a semi-circular pattern at the bottom center. Above this, there are orange and yellow circular elements, possibly representing data points or molecular structures. The overall aesthetic is technical and scientific, with a color palette dominated by blues, greys, and oranges.

SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 9

SEPTEMBER 2022

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 3, ISSUE 9

SEPTEMBER 2022



www.openscience.uz

SCIENCE AND EDUCATION
SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 3 ISSUE 9

Executive Secretary

Tusmatova Nozima Inomovna

Editorial board

Z. Yaxshieva

Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Chemical Sciences

S. Sangwa

African Leadership University, Doctor of Business Administration

S. Otakulov

Jizzakh Polytechnic Institute, Doctor of Physical and Mathematical Sciences

M.A.S.Khasawneh

King Khalid University, Special Education, PhD

Sh. Akramova

Military-technical Institute of the National Guard, Doctor of Pedagogical Sciences

E.M.Colocassides

College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication

B. Sultonov

Tashkent Pharmaceutical Institute, Doctor of Technical Sciences

Ya.L.Chernyavskaya

Tyumen State Medical University, Candidate of Philological Sciences

A. Sidiqov

Tashkent Institute of Chemical Technology, Doctor of Chemical Sciences

W.B. Vidona

Edo State University, Anatomy, PhD

B. Kucharov

Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of Technical Sciences

I. Eshmetov

Institute of General and Inorganic Chemistry of the Academy of Sciences, Doctor of Technical Sciences

M. Abdullaev

Andijan State University, Doctor of Historical Sciences

Z. Tojjeva

National University of Uzbekistan, Doctor of Geographical Sciences

N. Jiyanova

Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences

X. Qobulov

Tashkent Financial Institute, Candidate of Economic Sciences

A. Nabiev

Tashkent Institute of Chemical Technology, PhD in Technical Sciences

A. Turgunbaeva

Namangan State University, PhD in Psychological Sciences

B. Xaynazarov

National University of Uzbekistan, PhD in Historical Sciences

M. Voxidova

Tashkent State Institute of Oriental Studies, PhD in Economics

A. Rahmonov

Republican Scientific-Practical Center, PhD in Pedagogical Sciences

G. Ochilova

Karshi Institute of Engineering and Economics, Candidate of Philosophical Sciences

B. Omonov

Karshi State University, PhD in Philosophical Sciences

O. Axmedova

Bukhara Institute of Engineering and Technology, PhD in Technical Sciences

G. Jumanazarova

Jizzakh State Pedagogical Institute, Doctor of Philological Sciences

T. Sabirjanov

Fergana Polytechnic Institute, Candidate of Technical Sciences

Sh. Ismoilov

Tashkent State Law University, Doctor of Sciences in Law

M. Rakhimov

Tashkent State Law University, Doctor of Philosophy in Law

L. Rakhimkulova

Tashkent State Law University, Doctor of Philosophy in Law

A. Sultonov

Jizzakh Polytechnic Institute, PhD in Economics

B. Safarov

Bukhara Institute of Engineering and Technology, PhD in Technical Sciences

J.M.Sasan

PAU Excellencia Global Academy Foundation, Inc., Professional Education

Mas'ul kotib

Tusmatova Nozima Inomovna

Tahririyat

Z. Yaxshiyeva

Jizzax davlat pedagogika instituti, kimyo fanlari doktori

S. Sangwa

African Leadership University, Doctor of Business Administration

S. Otakulov

Jizzax politexnika instituti, fizika-matematika fanlari doktori

M.A.S.Khasawneh

King Khalid University, Special Education, PhD

Sh. Akramova

Milliy gvardiya harbiy-texnik instituti, pedagogika fanlari doktori

E.M.Colocassides

College of Tourism & Hotel Management, Doctor of Science in Communication

B. Sultonov

Toshkent farmatsevtika instituti, texnika fanlari doktori

Ya.L.Chernyavskaya

Тюменский государственный медицинский университет, кандидат филологических наук

A. Sidiqov

Toshkent kimyo-texnologiya instituti, kimyo fanlari doktori

W.B. Vidona

Edo State University, Anatomy, PhD

B. Kucharov

Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti, texnika fanlari doktori

I. Eshmetov

Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti, texnika fanlari doktori

M. Abdullayev

Andijon davlat universiteti, tarix fanlari doktori

Z. Tojjeva

O'zbekiston milliy universiteti, Geografiya fanlari doktori

N. Jiyanova

Toshkent moliya instituti, iqtisod fanlari nomzodi

X. Qobulov

Toshkent moliya instituti, iqtisod fanlari nomzodi

A. Nabiyev

Toshkent kimyo texnologiya instituti, texnika fanlari PhD

A. Turgunbayeva

Namangan davlat universiteti, psixologiya fanlari PhD

B. Xaynazarov

O'zbekiston milliy universiteti, tarix fanlari PhD

M. Voxidova

Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, iqtisodiyot fanlari PhD

A. Rahmonov

Respublika ilmiy-amaliy markaz, pedagogika fanlari PhD

G. Ochilova

Qarshi muxandislik-iqtisodiyot instituti, falsafa fanlari nomzodi

B. Omonov

Qarshi davlat universiteti, falsafa fanlari PhD

O. Axmedova

Buxoro muxandislik-texnologiya instituti, texnika fanlari PhD

G. Jumanazarova

Jizzax davlat pedagogika instituti, filologiya fanlari doktori

T. Sobirjonov

Farg'ona politexnika instituti, texnika fanlari nomzodi

Sh. Ismoilov

Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari doktori

M. Rakhimov

Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari falsafa doktori

L. Rakhimkulova

Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik fanlari falsafa doktori

A. Sultonov

Jizzax politexnika instituti, iqtisodiyot fanlari PhD

B. Safarov

Buxoro muxandislik-texnologiya instituti, texnika fanlari PhD

J.M.Sasan

PAU Excellencia Global Academy Foundation, Inc., Professional Education

19.	Nilufar Abdurakhmonova, Ismailov Alisher Shakirovich, Kimsanboev Nodirbek Shoirbek o'g'li Morphological analyzer (morfoAnalyse) Python package for Turkic language	146
20.	Qurbonqul Mavlanqulovich Karimqulov, Ikromjon Esanboevich Uzoqov, Madraim Xasanovich Sarikulov, Munira Yusupovna Xursanova Oziq-ovqat mahsulotlarini sifatini aniqlash va tasniflash usullari	157
21.	Шохрух Гайратжон угли Рубидинов, Жасурбек Гайратжон угли Гайратов Анализ теории разъемов, используемых в процессе подключения радиаторов автомобиля	162
22.	Yu.Mamasadikov, E.J.Alikhonov An optoelectronic device that controls the linear density of cotton tape during quality processing of cotton raw materials	168
23.	Ринат Рафаилович Биктимиров Взаимодействие монументально-декоративного искусства и архитектурных сооружений, и его значение в современной архитектурно-художественной среде	178
24.	Илхомжон Ибрагимович Туйчиев, Саодат Хаитовна Хасанова Тўқимачилик саноати учун полиэфир ва ўрта толали пахта толалар аралашмасидан юкори номерли ип калава ишлаб чиқариш янги технологияси	182
25.	М.О.Атаков Ер мониторингини юритиш учун рақамли карталарни тузишда ArcGIS дастурини қўллаш	189
26.	Гулноз Нигмановна Хакимова, Садокат Хабибуллаевна Нишанова Особенности смесительного оборудования в интенсификации процесса кавитации	197
27.	И.Х.Сидиков, Ю.Мамасадиков, Н.Ю.Мамасодикова, И.А.Махмудов Нечетко-ситуационная модель управление технологических состояний нефтехимических установок и комплексов	202
28.	Р.С.Собиров Иқтисодиёт объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш	214
29.	А.М.Хунаров, И.Э.Узаков Современные проблемы экологического районирования	218

PEDAGOGICAL SCIENCES / PEDAGOGIKA FANLARI

30.	Абубакр Муҳиддин ўғли Мустафоев Хабар ва қиёснинг ўзаро тесқари қелиши хабарнинг қиёсга қарама-қарши қелиши борасида ханафий уламолар тутган мазҳабнинг баёни	224
31.	John Michael Sasan, Anna Marcel E. Barquin, Nove Anne Alestre, Almari Librea, Rechelle Mary Zamora Karl Marx on technology and alienation	228
32.	Jakhongir Shaturaev Efficacy of uniformed group activities at primary schools in developing self- assurance and teamwork in youth	234
33.	Mohamad Ahmad Saleem Khasawneh Students with disabilities	253
34.	Mohamad Ahmad Saleem Khasawneh Improving the written expression skills among EFL students using an electronic training program	271
35.	Mohamad Ahmad Saleem Khasawneh Developing the skills of visual-motor coordination disorder among students with learning disabilities	284
36.	Dilfuza Utkirovna Abdugapparova Chang cholg' usining tarixiy shakillanishi va tavsiflanishi	295

Ўтқир юрак-томир касалликлари ва бронхиал астмада биринчи тиббий ёрдам

Румия Инфаровна Шарофутдинова
Бухоро давлат университети

Аннотация: Инфаркт билан касалланган беморга фақат стационар шароитлар-дагина максимал самарали даволаш мумкин. Беморда оғриқ хуружи бошлангандан кейин эртaroқ уни транспортировка қилиш кечикиб транспортировка қилишга қараганда хавфсизроқ. Миокард инфаркти билан оғриган беморни кардиоген шок, ўпка шиши бор ёки аритмоген коллапс вақтида транспортировка қилиш мумкин эмас.

Калит сўзлар: Инфаркт билан касалланган беморлар, юрак ишемик касаллиги, қон оқиши, тўқималардаги энергетик эҳтиёж, юмшоқ тўқима, жарохатлвчи металл парчаси, яра канали, бош айаниши, шиллик қават.

First aid in acute cardiovascular diseases and bronchial asthma

Rumiya Infarovna Sharofutdinova
Bukhara State University

Abstract: A patient with a heart attack can be treated maximally effectively only in inpatient conditions. Transporting a patient early after the onset of a pain attack is safer than transporting a patient late. It is not possible to transport a patient with myocardial infarction, cardiogenic shock, pulmonary edema, or during arrhythmogenic collapse.

Keywords: Heart attack patients, ischemic heart disease, blood flow, energy demand in tissues, soft tissue, traumatic metal fragment, wound channel, headache, mucous membrane.

Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) йиғма тушунча бўлиб, унинг асосида юрак тож артерияларидаги қон оқиши ва тўқималардаги энергетик эҳтиёж ўртасида мувозанатнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган юрак мускули касаллиги ётади. ЮИК юзага келгач, кўпинча, сурункали характер касб этади, бунга тож артерияларида атеросклерознинг жадаллашиши сабаб бўлади. Маълум босқичларда у ўтқир кечишга ўтиши, баъзан бирламчи инфаркт ёки турғун бўлмаган стенокардия хасталигини келтириб чиқариши мумкин. Агар

касаллик кечиши яхши томонга ўзгарса, турғун стенокардия кўринишида у яна ЮИКнинг сурункали шаклига ўтади. ЮИК АҚШ, Европа мамлакатлари, Япония каби индустриал ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Кўпроқ 40-66 ёшдаги эркаклар касалланиб, уларнинг 23,4% да ЮИК нинг оғриқсиз шакллари кузатилади. Бундай кишилар шифокорларга мурожаат қилишмайди, шу сабабли, уларда миокард инфаркти кўп учрайди. ЮИК натижасида ҳар йили 5,4 дан 11,3% гача ўлим юз бериши аниқланган. Юрак-томир касаллигидан келиб чиқадиган ҳамма ўлимларнинг 53% ЮИК га тўғри келади. В. Lawn (1980 й) маълумотларига кўра, АҚШ да ҳар куни тўсатдан 1200 киши вафот этиб, уларнинг 75% ёриб кўрилганда, ЮИК белгилари мавжуд бўлган. ЮИК Ўзбекистонда 8% дан 15,5% гача тарқалганлиги маълум. ЮИК патогенезида 3 та асосий жараён муҳим ўрин тутди:

1) липопротеид спектрининг бузилиши;

2) липопротеид ташувчи апонинг артерия интима қаватига тушиши;

3) артериянинг интима қавати хужайраларида кондаги липопротеидларнинг бошқарилмайдиган тарзда ушланиб қолиши.

Бундан ташқари, қуйидагилар катта аҳамият касб этади: - тож томирлар тромбози; - тож томирлар спазми; - микроциркуляциянинг издан чиқиши ва қон ёпишқоқлиги-нинг ортиши. Бу омиллар миокард ишемиясини чуқурлаштиради. ЮИК нинг ривожланиш механизмидаги хатарли омилларга:

а) гиперхолестеринемия;

б) модда алмашилишининг бузилишлари (қандли диабет, подагра); в) артериал гипертензия;

г) чекиш;

д) гиподинамия;

е) семириш; ё) асаб ва ҳиссиётнинг толиқишлари ва бошқалар киради.

ЮИК нинг қуйидаги турлари тафовутланади: - тўсатдан бўладиган коронар ўлим; - стенокардия; - миокард инфаркти; - кардиосклероз; - хос бўлмаган кўринишлар. Стенокардия («кўкракнинг сиқилиши») - қайталаниб турувчи, сиқувчи, санчикли, ғижимловчи, кўкрак орқасида ҳосил бўлувчи оғриқлар билан характерланади. Бундай оғриқлар, кўпинча, жисмоний зўриқиш, ҳиссиётга берилиш ва баъзан осойишталик ҳолатларида ҳам келиб чиқади. Оғриқ, асосан, чап елкага, кўкрак, бўйин, пастки жағ ва тишларга узатилади. Айни пайтда бемор нафас олишга қийналади, хавотирга тушади, ҳаракатини тўхтатиб, оғриқ ўтгунча кимирламай қотиб туради. Кекса ёшли касалларда оғриқни сезиш камроқ юз бериб, касалликнинг клиник белгилари нафас олишнинг қийинлашиши, бирданига ҳаво етишмай қолиши ва кучли дармонсизлик билан кечади. Муҳим ташхисий белгиларидан бири тил остига нитроглицерин қўйгач, оғриқнинг тўла тўхташи ва шунингдек, келтириб

чиқарувчи омилларнинг бартараф этилишидан кейин оғриқнинг тўхташи ҳисобланади. Оғриқ одатда бир неча минут давом этади. Кечиктириб бўлмайдиган ёрдам: 1) тўлиқ жисмоний ва руҳий тинчликни таъминлаш; 2) тил остига 1 - 2 дона нитроглицерин дорисини қўйиш; 3) томирга ёки мускул орасига 50% ли анальгин эритмасидан 2 мл, 2% ли промедолдан 1 мл ва 1% ли димедрол эритмасидан 1 мл юбориш керак. Агар бу дорилар вена ичига юбориладиган бўлса, аралашма 10 мл 0,9% ли натрий хлорид эритмасида суюлтирилади; 4) кучли ифодаланган руҳий безовталикда ёки етарли натижа бўлмаган тақдирда оксигенотерапия (кислород билан нафас олдириш)ни қўллаш мумкин. Транспортировка касалнинг ҳолатидан қатъи назар, замбилда амалга оширилиши керак. Ҳаракат тактикаси касалнинг тож артерияларидаги кон айланишининг қай даражада бўлганлигини ва тўсатдан ўлим келиб чиқиш имкониятини аниқлаш билан белгиланади. Жамоат жойла-рида ва кўчаларда беморни шифохонанинг қабул бўлимларига, ҳатто оғриқ қолган тақдирда ҳам, текшириш учун олиб келиш керак. Қуйидаги ҳолатларда: 1) оғриқ 30 минутдан кўп муддатга давом этса; 2) хуруж касалнинг ҳаётида биринчи марта юзага келса; 3) нитроглицерин оғриқни қолдирмаса; 4) оғриқ хуружлари бўғилиш, аритмия, ҳушни йўқотиш билан давом этса, махсус тез ёрдам бригадаси чақирилади. Чунки бу ҳолатларни нотурғун стенокардия ёки миокард инфарктининг дастлабки ҳолати деб баҳолаш керак. Тўхтовсиз ёрдам кўрсатишнинг вазифаси оғриқсизлантириш ва миокард инфарктининг ҳамда энг хавфли асоратларнинг олдини олишга қаратилади. Бунинг учун қуйидаги терапия қўлланилади: а) тўлиқ тинч ҳолатни яратиш; б) узок вақт давомида нитроглицеринни қабул қилиш - 2 та таблеткадан тил остига ҳар 15 минутда (агар артериал кон босими жуда пасайган бўлса, нитроглицеринни бериб бўлмади); в) тезда кон ивишига қарши воситалар қўллаш - вена ичига 10000 ДБ гепарин юборилади; г) артериал босими юқори бўлса, пентамин юборилади; д) сийдик ҳайдовчи препаратлар - лазикс ёки фурасемид 1-2 та таблеткадан тавсия этилади. е) миокардда кислородга эҳтиёжни кучайтирувчи препаратларни (строфантин, эуфиллин, платифиллин) иложи бориша, бермаслик керак. Биринчи тиббий ёрдам қаерда кўрсатилишидан қатъи назар, инфаркт олди ҳолатидаги касал тезда махсус ихтисослаштирилган кардиологик бўлимга ётқизилиши керак. Ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) ЮИКнинг оғир кўринишларидан бири ҳисобланади. Миокард инфаркти - бу некроз, юрак мускулларининг маълум қисми ўлишидир. У билан бирга кўплаб орган ва тизимларнинг функцияларида бузилишлар юзага келади. Миокард инфарктининг кўпроқ кузатиладиган вариантлари - ангиноз (оғриқли), астматик ва гастралгик (абдоминал) ҳисобланади. Ангинозли вариантда кучли ифодаланган оғриқ синдромлари узок давом этиб, ҳатто кучли

оғриксизлантирувчи дорилар ҳам уни қолдира олмайди, оғрик турли томонларга узатилади. Кўп ҳолларда вегетатив бузилишлар билан биргаликда кечади: кўнгил айнаши, қусиш, ўлим хавфидан кўрқиш, совуқ тер босиши кузатилади. Асматик варианты кўпроқ аввалда миокард инфаркти ўтказган қари ёшдаги беморларда кузатилади. Юрак астмаси хуружи ва ўпка шиши билан характерланади. Гастралгик (абдоминал) варианты - эпигастрал соҳада ва тўш суяги орқасида ифодаланган оғрик, шунингдек кўнгил айнаши ва қусиш билан кечади. Динамик ичак тутилиши белгилари кузати-лиши мумкин. Миокард инфаркти ташхиси госпитализация қилинганга қадар беморни сўраб-суриштириш, текшириб кўриш ва ЭКГ асосида қўйилади. Аммо миокард инфарктига шубҳаланиш ва беморга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ҳар бир ички ишлар ходими билиши ва бажара олиши лозим. Миокард инфаркти билан оғриган ҳамма беморлар шифохонага ётқизилиши шарт. Воқеа содир бўлган жойдаги кечиктириб бўлмайдиган ёрдам: - оғриксизлантириш - наркотик анальгетиклар (промедол, морфин 1 мл томирга)+димедрол 1% - 1 мл, фентанил 0,005% - 1-2 мл+дроперидол 0,95% - 1мл; - ритм бузилишларини даволаш ва олдини олиш - лидокаин 10% - 1-2 мл; - антикоагулянтлар юбориш - томир ичига ёки тери остига 10- 15000 ДБ гепарин юборилади. - систолик артериал босим 70 мм симоб устунидан пастга тушса, томир ичига реополиглюкин ёки полиглюкин юборилади. Ўткир ишемик касалликнинг кўп асоратлари касалликнинг би-ринчи кунда юзага келади. Кўпинча, бу асоратлар нафақат касал-лик прогнози, балки беморнинг ҳаётига бевосита хавф туғдиради. Кўп ҳолларда қон айланишининг бирданига тўхтаб қолиши бемор касалхонага ётқизилганга қадар юзага келади. Бунга кўпроқ юрак ритмининг ўткир бузилиши - фибриляция (юрак қоринчалари-нинг фибриляцияси) сабабчи бўлади. Фибриляциядан олдин жуда кучли оғрик хуружи бўлади, артериал босим кўтарилади. Қон айланишининг тўсатдан тўхтаб қолишида ҳуш йўқотилади, бош миянинг фаолияти бузилади. Бош мияда қон айланиши тўхтагандан сўнг 3-5 минут ўтгач, ортга қайтмайдиган ўзгаришлар келиб чиқади. Бу минутлар ичида бош мия функциялари босқичма-босқич бузилади. Қон айланиши тўхтагач, 10 секунддан кейин ҳуш йўқолади ва клоник ҳамда тоник талвасалар бошланади. Тери қопламнинг кескин оқариши ривожланади. Бўйиннинг йирик артерияларида пульс йўқолади. 20-30 минутдан кейин нафас бузилади, аста-секин онда-сонда чуқур нафас оладиган - «балиқ нафаси» бўлиб қолади. Қон айланиши тўхтагандан кейин 1-2 минут ўтгач, нафас олиш тўхтайдди, яна 30-60 секунд ўтгач, кўз қорачиқлари кенгаяди. Клиник даврида кўз қорачиқлари реанимацион чора-тадбирларга нисбатан қисқариш хусусиятини саклаб туради. Бу нарсанинг йўқолиши бош миянинг қайтмас биологик ўлимга учраганлигидан гувоҳлик беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Sharofudinova R.I., Asadullayev A.N., Tolibova Z.X. The Factors and Basic Concepts Determining Community Health. Central Asian Journal of Medical and Natural Science. 05.Sep-Oct 2021 ISSN: 2660-4159) 376-379. <https://cajmns.centralasianstudies.org/index.php/CAJMNS/article/view/399>.
2. R.I Sharofutdinova, A.N. Asadullaev, Z.X. Tolibova. The Factors and Basic Concepts Determining Community Health. Central asian journal of medical and natural sciences 2 (5), 376-379.
3. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова, М.Т. Турсунбаева. КОНЦЕПЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ И ИХ ФОРМИРОВАНИЕ В СОЗНАНИИ СТУДЕНТОВ. Биология и интегративная медицина, 156-161
4. Муратова.Г.С, Шарофутдинова Р.И, Турсунбаева.М. Талабаларда экологик тафаккур ва тарбия тушунчаларини шакллантириш. Тиббиётда янги кун 1 (1(29)), 105-107
5. Муратова.Г.С, Шарофутдинова Р.И, Турсунбаева.М. Concepts of ecological thinking and education and their formation in the minds of students. Биология и интегративная медицина, 156-161
6. Р.И ШАРАФУТДИНОВА, Г.С МУРАТОВА, М.Т.К ТУРСУНБАЕВА. ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОНЦЕПЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ. Биология и интегративная медицина, 98-104
7. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова, МТК Турсунбаева. Экологик таълим ва тарбия тушунчаларини шакллантириш тамойиллари. Биология и интегративная медицина
8. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова, Г.А Жумаева, Ш.А Мустафаева Спорт тиббиёти фанидан амалий машгулотлар ўтказишда хамкорлик таълими усулларидан фойдаланиш-" Современное состояние, проблемы и перспективы медицинского образования.
9. S.R Infarovna, M.G Saitovna. Role formation of ecological thinking and education in higher education institutions. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL 11 (2), 1400
10. Р.И.Шарофутдинова, Г.С.Муратова. Concepts of ecological thinking and education and their formation in the minds of students. Биология интегративная медицина электронний научний журнал, 156.
11. Р.И Шарафутдинова, Г.С Муратова, Г.А Жумаева, Ш.А Мустафаева. USING COLLABORATIVE LEARNING METHOD ON CONDUCTING PRACTICAL EXERCISES ON THE SUBJECT OF SPORTS MEDICINE. Новый день в медицине, 261-264

12. Р.И ШАРАФУТДИНОВА, Г.С МУРАТОВА, МТК ТУРСУНБАЕВА. ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОНЦЕПЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ. Биология и интегративная медицина, 98-104

13. R.I Sharofutdinova, A.N. Asadullaev, Z.X. Tolibova. The Factors and Basic Concepts Determining Community Health. Central asian journal of medical and natural sciences 2 (5), 376-379.

14. Asadullayev A.N. The role of physical education and sports professionals in the organization of a healthy lifestyle in society. Journal of Innovations in Pedagogy and Psychology, 3rd special issue. Tashkent-2020. 31-36.

15. Asadullayev A.N., Ochilova N.R., Jabborova O.G. Healthy lifestyle (Healthy lifestyle) *Academicia* an international multidisciplinary research journal (ISSN:2249-7137, январь 2021, 1835-1841).

16. Asadullayev A.N. Factors that ensure the necessary level of human health. Bulletin of Khorezm Mamun Academy Khiva-2021. 29-31. Bleeding and its types, organization of emergency assistance in bleeding

17. A. N. Asatullayev O.G. Jabborova EUROPEAN JOURNAL OF LIFE SAFETY AND STABILITY (EJLSS) ISSN 2660-9630 www.ejlss.indexedresearch.org Volume 13, 2022 112-116. <http://ejlss.indexedresearch.org/index.php/ejlss/issue/view/14>.

18. A.E Kholliyev, U.T Norboyeva, Y.D Kholov, Z.A Boltayeva. Productivity of cotton varieties in soil salinity and water deficiency. The American Journal of Applied sciences 2 (10), 7-13